



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК
Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Қўштепа тумани Дўстлик МФЙ Қумкўргон, Фахр, Қумушбўлоқ, Фароғат, Илтифот кўчаси ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Қўштепа тумани Дўстлик МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 380м^3 ҳисобланиб, Дўстлик МФЙ ҳудудига 1 донга тик ичимлик сув қудуги қазилсин, лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан тармоқ тортилиб Дўстлик МФЙ ҳудудини ичимлик суви билан таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМК ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Ақс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ушбу лойиҳа юзасидан Жаҳон банки дастурига таклиф киритилган.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Қўштепа тумани бўлими бошлиғи:

Б.Тўхлибоев

Бош муҳандис:

Г.Тўхтасинов

ИЧБ муҳандиси:

Л.Холбоев

